



ЎҚУВ ЖАРАЁНИДА ЭЛЕКТРОН АДАБИЁТЛАРДАН ФЙДАЛАНИШНИНГ ПСИХОЛОГИК ТОМОНЛАРИ

Ташпўлатова Нодира Худжамуродовна

Жиззах давлат педагогика университети

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7337469>

ARTICLE INFO

Received: 10th November 2022

Accepted: 18th November 2022

Online: 19th November 2022

KEY WORDS

Янги электрон ресурслар, электрон дарслик, эшитиш, кўриш, эмоционал хотира, визуал тоифа, аудиал (эшитувчи) тоифа, дигитал тоифа, кинестетик тоифа.

Илм-фан жадал тараққий этаётган замонавий ахборот-коммуникация тизимлари воситалари кенг жорий этилган жамиятда турли фан соҳаларида билимларнинг тез янгилашиб бориши, таълим олувчилар олдида уларни жадал эгаллаш билан бир қаторда, мунтазам ва мустақил равишда билим излаш вазифасини қўймоқда. Ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш, уларни тайёрлаш борасидаги илмий-услубий, ташкилий (шу жумладан, лотин алифбосига ўтиш) ва молиявий масалаларни ҳал қилиш, узлуксиз таълим тизимида “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” мақсадларига эришишни таъминлашга қаратилган чораларни ишлаб чиқишни талаб қилади.

Концепциянинг мақсади узлуксиз таълим тизимининг барча таълим турлари учун ўқув адабиётларининг

ABSTRACT

Таълим тизимида ахборот технологияларини татбиқ этиш соҳасида яратилаётган дастурий воситалар, ўқув адабиётларининг мазмуни билим олувчиларда мустақил ва эркин фикрлашларини таъминлайди. Олинган билимларни босқичма-босқич бойитиш, мукаммаллаштириб бориш, мустақил таълим олиш, янги билимларни ўқув адабиётларидан излаб топиш кўникмаларини ҳосил қилиши ва уни ўқувчилар онгига таъсири тўғрисидаги маълумотлар ёритилган.

янги авлодини яратиш тамойиллари ва уларни тайёрлаш механизмларини белгилашдан иборатдир.

Ушбу концепциянинг асосий вазифаларига ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш учун илмий-ғоявий, услубий-дидактик, психологик-педагогик, санитария-гигиеник талабларни ишлаб чиқиш, ўқув адабиётларидан тўғри ва рационал фойдаланиш мақсадида уларнинг мавжуд шакллари ва турларига аниқ, таърифлар бериш ҳамда мамлакатимиз миқёсида замонавий ўқув адабиётларини тайёрлаш бўйича дастурларни амалга ошириш учун стратегик масалалар кўламини аниқлаш киритилган.

Маълумки, дарсликлар ва ўқув- методик қўлланмалар ҳамда бошқа ўқув – методик мажмуалар таълим сифатини оширишда катта аҳамиятга эга. Босма



нашр асосида яратилган мавжуд анъанавий дарсликлар таълимга ахборот технологияларини татбиқ этиш билан боғлиқ ахборотлаштириш мақсадларига эришиш учун етарли бўлмай қолди.

Шу боис янги электрон ресурсларни яратиш ва уни таълим жараёнига татбиқ этиш таълимни ахборотлаштиришнинг долзарб муаммосига айланди. Бу борада электрон ўқув адабиётларни яратиш ва уларни таълим жараёнида қўллаш катта аҳамият касб этади.

Электрон дарсликнинг анъанавий дарсликдан асосий фарқларидан бири уни ишлаб чиқаришда, мажмуавий ва жамоавий ёндошувнинг мавжудлигидир. Ҳақиқатдан ҳам, агар анъанавий дарслик битта муаллиф томонидан яратилиши мумкин бўлса, электрон дарслик бир ёки бир неча муаллифлар томонидан эмас, балки бир қатор мутахассислардан иборат алоҳида ижодий жамоа томонидан яратилади.

Ўқув адабиётларининг янги авлодини яратишга қўйиладиган асосий талаблар.

Узлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш концепциясида кадрлар тайёрлаш миллий моделига мувофиқ узлуксиз таълим тизимида ўқув адабиётлари таълим турлари учун тасдиқланган давлат таълим стандартлари (ёки давлат талаблари) ва фанлар бўйича узвий боғланган ўқув дастурлари асосида тайёрланади. Бунда муайян фаннинг ўқув адабиётлари мазкур таълим турида ўқитиладиган бошқа фанлар билан боғлиқлигини, бошқа таълим турларида ушбу фаннинг ўқув дастурларидаги узвийликни

таъминлаши лозим. Ўқув адабиётларини белгиланган тартибда ҳар томонлама экспертизадан ўтказилиши назарда тутилган.

Маълумки, узлуксиз таълим тизимининг барча турларида фундаментал билимлар бўйича ўқув адабиётлари асосан анъанавий босма шаклда тайёрланади.

Ҳозирги кунда таълим жараёнида жадал суратлар билан ўсиб бораётган инновацион ва ахборот технологияларидан фойдаланиб, таълимнинг самарадорлигини кўтаришга бўлган қизиқиш, эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда. Замонавий технологиялар қўлланилган машғулотлар билимларни ўзлари қидириб топишларига, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишларига, ҳатто хулосаларни ҳам ўзлари келтириб чиқаришларига қаратилган. Бу жараёнда шахс ва жамоанинг ривожланиши, шаклланиши, билим олиши ва тарбияланишига шароит яратади, шу билан бир қаторда, бошқарувчилик, йўналтирувчилик вазифасини бажаради. Бундай ўқув жараёнида ўқитувчи асосий фигурага айланади.

Электрон дарслик энг муҳим бўлган тушунчаларни, фикрларни ва келтирилган мисолларни тушуниш ва эслаб қолишни максимал осонлаштириши, оддий дарсликка қараганда, ўқув жараёнига инсон миясининг эшитиш, кўриш, эмоционал хотира каби барча имкониятларидан ҳамда компьютерли тушунтиришлардан фойдаланган ҳолда кириб бориши керак.

Таълим тизимида ахборот технологияларини татбиқ этиш



соҳасида яратилаётган дастурий воситаларни таҳлил қилганда шу нарсанинг гувоҳи бўламизки, маълумотларни образлар кўринишида тақдим этиш бир қатор тадқиқотларда назарда тутилган. Шунинг билан бир қаторда, компьютерда ўқув дастури яратаётган кўпгина муаллифлар бир-бирларига боғлиқ бўлмаган ҳолда, ўқув-илмий материалларини образлар кўринишида тақдим этишнинг ўзига хос методларини яратмоқдалар.

Замонавий ахборот технологиялари асосида маълумотларни образлар кўринишида тақдим этиш ва фикрлаш жараёнини ташкил этиш ўқувчиларнинг ақлий ривожланиш даражасини юқорига кўтарибгина қолмасдан, анъанавий ўқитиш ўртасидаги нисбатни ўзгартиришга ҳам олиб келади. Эҳтимол бундай ўқитиш анъанавий методикага нисбатан маълумотларни инсон ақлий ривожланишининг янги шаҳобчасига мос келадиган образли кўринишда тақдим этиши, мулоқот тиллари билан боғлиқ муаммоларни ечишга ва жаҳондаги коммуникатив жараёнларининг ривожланишига олиб келиши мумкин.

Шунинг билан бирга ушбу жараёнга қўйиладиган психологик талабларни ҳам ҳисобга олиш зарур.

1.Электрон дарсликда ўқув материални намойиш қилиш нафақат вербал, балки когнитив жараённинг сенсорлик ва намойиш қилиш ҳолатларига ҳам мос келиши керак. Электрон дарслик қабул қилиш, диққат, фикрлаш, тасаввур қилиш, хотирада сақлаш каби психологик жараёнлар хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилиши керак.

2.Электрон дарсликдаги ўқув материали таълим олувчиларнинг ёшини, таянч билимларини инобатга олиб тузилиши керак.

3.Электрон дарслик образли ва мантиқий фикрлашни ривожлантиришга йўналтирилган бўлиши керак.

4.Ўқитишнинг кўرғазмалилигини таъминлаш талаблари, талабалар томонидан ўрганилаётган объектлар, уларнинг макетлари ёки моделларини сезгили қабул қилиши ва шахсан кузатишини ҳисобга олиш заруриятини билдиради.

Ўқув материалларини образлар кўринишида тақдим этиш методикаси ёрдамида ўқувчилар билим олиш жараёнининг ҳамма таркибий қисмларига у ёки бу тарзда таъсир этиш мумкин. Айниқса, бу ўринда ўқувчиларни ўқув материалларини қабул қилиш, маъносини англаш, эса қолдириш, уларни такрорлаш каби жиҳатларини кўрсатиши мумкин. Бундан ташқари, бу услуб ўқувчиларнинг ўқишга нисбатан эмоционал ёндашишини ривожлантиради ва уларни кўп вақт сарф қилмасдан ўқув материалларини ўзлаштиришига эришишни таъминлайди.

Концепцияда электрон ўқув адабиётлари эса билим олувчиларнинг тасаввурини кенгайтиришга, дастлабки билимларини ривожлантиришга ва чуқурлаштиришга, кўшимча маълумотлар билан таъминлашга мўлжалланган бўлиб, улар кўпроқ чуқурлаштириб ўқитиладиган фанлар бўйича яратилиши мақсадга мувофиқ деб кўрсатилган. Бизнинг назаримизда, узлуксиз таълим тизимида фан ва технологияларнинг жадал



ривожланганлиги эътиборга олган холда, мазмуни тез ўзгарувчан, чуқурлашиб ўқитиладиган, касбий ва махсус фанлар бўйича электрон ўқув адабиётларини тайёрлаш мақсадга мувофиқ.

Ўқув адабиётларининг мазмуни билим олувчиларда мустақил ва эркин фикрлаш, олинган билимларни босқичма-босқич бойитиш, мукаммаллаштириб бориш, мустақил таълим олиш, янги билимларни ўқув адабиётларидан излаб топиш кўникмаларини ҳосил қилишни таъминлаши керак.

Ўқув адабиётларининг шакллари.

Узлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш концепциясида уларнинг таърифи ва шакллари кўрсатилган.

Ўқув адабиётлари - муайян таълим тури (йўналиши ёки мутахассислиги) ўқув режасида қайд этилган фанлар бўйича тегишли ўқув дастурлари асосида зарур билимлар мажмуаси келтирилган, ўзлаштириш услублари ва дидактикаси ёритилган (шу жумладан, хорижий таржималар) манба бўлиб, икки хил шаклда тайёрланади.

1. Анъанавий (босма) ўқув адабиётлари - таълим олувчиларнинг ёши ва психо-физиологик хусусиятлари, маълумотлар ҳажми, шрифтлари, қоғоз сифати, муқова тури ва бошқа кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда қоғозда чоп этиладиган манба.

2. Электрон ўқув адабиётлари - замонавий ахборот технологиялари асосида маълумотларни жамлаш, тасвирлаш, янгилаш, сақлаш, билимларни мулоқот усулида тақдим этиш ва назорат қилиш имкониятларига эга бўлган манба.

Электрон ўқув адабиёт (электрон ўқув адабиёт) нинг ўқув жараёнида ўқув-материалларидан фойдаланиш учун кенг имкониятлар яратадиган ўқув воситаси сифатида алоҳида ўрни бор.

Тажрибадан маълумки, инсон эшитиш аъзоларига нисбатан кўриш аъзолари ёрдамида олинган маълумотларни 5 маротаба ортиқ эслаб қолиши мумкин. Эшитиш аъзоларидан фарқли равишда кўриш аъзоларидан олинаётган маълумотлар қайта кодлаштирилмай, тўғридан-тўғри хотирага ўтади ва узоқ, сақланади.

Электрон ўқув адабиёт анъанавий дарсликка қараганда ўқув материалларини намоиш қилиш учун кенг имкониятлар яратади. электрон ўқув адабиёт ўқувчиларнинг кўпроқ мустақил ишлашлари учун мўлжалланган дидактик функцияларни бажариш билан бир қаторда, ўқув жараёнига қўйилган барча талабларга жавоб бериши керак.

Шундай қилиб, электрон ўқув адабиётларни таълим жараёнига татбиқ этишда уларнинг педагогик томонларидан ташқари, психологик ва гигиеник томонларини ҳам эътиборга олиш ўқувчиларнинг интеллектуал қобилиятларини ва уларнинг бу жараёнда фаол иштирок этишини таъминлайди.

Психологик талабларга электрон дарсликнинг эстетик, гигиеник ва тиббий-психологик томонларини акс эттирувчи талаблар киради. Бунинг сабаби, инсон организми электрон кўринишдаги маълумотларни қабул қилишнинг ўзига хос хусусиятларини талаб қилади.

Маълумотларни қабул қилишда унинг фақат мазмуни эмас, балки улчами,



харфларнинг кўриниши ранги ва тасвирнинг ҳаракати каби омиллар ҳам муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун электрон дарсликларнинг матни ўзига хос хусиятларга эга бўлиши керак. Ўқувчиларнинг маълумотларни тез қабул қилишида электрон дарсликдаги бундай хусусиятлар, яъни, учиб-ёниш, рангни ажратиш кўрсатиш, тагига чизиб қўйиш, овоз каби воситалар кучли таъсир этади.

Бу муаммоларни ечиш учун берилаётган маълумотларнинг сифатини ошириш ва электрон дарсликда бир қатор имкониятлар яратиш лозимки, улар ёрдамида кўпгина параметрларни ўзгартириш мумкин. Масалан, овозни учуриб қўйиш, пасайтириш, кўтариш, ранглари ўзгартириш ва ҳоказо.

Юкоридаги фикрлардан келиб чиқиб, электрон ўқув адабиётлардан фойданиш жараёнида ўқувчиларнинг маълумотларни қабул қилиш каналлари – репрезентатив тизимларини ҳам ҳисобга олган ҳолда дарс жараёнида фойдаланиш лозим.

Визуал (Кўрувчи) тоифа вакиллари нутқида кўраёпман, тасаввур этаёпман, қараяёпман, ялтироқ, ёрқин, хира, жилосиз каби руҳий ҳолатлар

намоён бўлади. Бу тоифадаги шахсларда кўриш хотираси кучли ривожланган.

Аудиал (Эшитувчи) тоифадаги шахслар нутқида эшитаяёпман, товуш таралаяпти, ниманидир овози қулоғимга таъсир этди, ёқимли товуш, секин гапирди каби руҳий ҳолатда бўлишади. Эшитиш хотираси кучли, ёзишни хуш кўрмайди.

Дигитал тоифа вакиллари эса, нутқида тушуниш, ўйлаш, фикрлаш, ишониш, қизиқиш, мантиқий фикрлаш юқори бўлган инсонлардир.

Кинестетик тоифада, сезаяёпман, ушладим, ҳис этаёпман, иссиқ, совуқ, текис, қуруқ, нотекис сингари фикрлар намоён бўлишини кузатишимиз мумкин. Ҳаракат қилишга ва фаол бўлишга интиладиган тоифа вакиллари ҳисобланишади.

Хулоса қилиб айтганда, электрон ўқув адабиёт педагог ходимлар ва ўқувчи-талабалар учун кенг миқёсда имкониятлар яратади. Электрон ўқув адабиётлар асосида ўқув жараёнини ташкил қилиш ўқув материалларини фаннинг сўнгги ютуқлари асосида тезкор тарзда янгилаб бориш ва шунга ўхшаш бир қатор афзалликлар туғдиради.

References:

1. Узлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётларнинг янги авлодини яратиш Концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси. Тошкент, 2002 йил.
2. Лутфиллаев М.Х. Мультимедияли электрон ўқув адабиётларда ўқитиш методикаси // «Узлуксиз таълим» журнали. 4-сон. Тошкент, 2002 йил. 79-82 бетлар.
3. Ғозиев Э. Умумий психология. 1-китоб. – Т.: Университет, 2002.
4. Каримова В.М. «Аудиторияда бахс – мунозарали дарсларни тасҳил этисҳнинг психологик техникаси» - Т – 2000 йил.
5. Мўминов С. Мулоқот мезони. Бадиалар.- Т.: “Янги аср авлоди”, 2004 й.



6. Абдурасулов, Р., & Ташпулатова, Н. Философские и психологические особенности занятий восточными единоборствами в процессе формирования личности. Человеческий фактор: Социальный психолог, (1), 7-11. 2019
17. Toshpo'latova, N. SHET TILI FANLARINI O'QITISHDA O'QUVCHINING INDIVIDUAL PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARINI HISOBGA OLISH USULLARI. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, (2). 2021
8. Toshpo'latova, N. TAЪЛИМ МУАССАСАСИ RAЪBARINING MULOҚОТИ TAЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ TAЪМИНЛАШ ОМИЛИ СИФАТИДА. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, (3). 2021
9. Toshpo'latova, N. ЎСМИРЛИК ДАВРИНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА ЁНДОШУВНИНГ АҲАМИЯТИ. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 2(3). 2022
10. Toshpo'latova, N. ЎСМИРЛАРДА САЛБИЙ ХУЛҚ АТВОРЛАРНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШ САБАБЛАРИ ВА УНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ИМКОНИАТЛАРИ. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 2(3). 2022.
11. Toshpo'latova, N. OILADA MA'NAVIY TARBIYANI SHAKLLANTIRISHDA OTA-ONALARNING VAZIFALARI. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 2(5). 2022.
12. Toshpo'Latova, Nodira Xudjamuradovna O'QUVCHILAR TAFAKKUR XUSUSIYATLARINI SHAKLLANTIRISHDA INTERFAOL USULLARNING O'RNI. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2 (2), 701-706.2022.
13. Toshpo'latova, N. (2021). YOSH AVLODNI TARBIYALASHDA-O'QUVCHILAR RUHIYATINI HISOBGA OLISH. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании
14. Qarshiboyeva, G. Ҳаётни севиб яшанг!. Архив Научных Публикаций JSPI, 1-48.
15. Qarshiboyeva, G. Психологик маслаҳат. Архив Научных Публикаций JSPI.